

---

Эртага, 26 июнь куни "Бегобод" маҳалласида газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади!

"Худудгаз Фарғона" ГТФ ҳамда "Бешариқтумангаз" бўлимининг тегишли хабарномаларига асосан эртага 2021 йил 26 июнь куни Ворух ГРСда қуриб битказилган саноат коллекторини тармоққа улаш ишлари олиб борилади.

Шу сабабли Ўзбекистон тумани "Бегобод" МФЙда истиқомат қилувчи аҳоли хонадонлари ҳамда ҳудуддаги мавжуд угуржи истеъмолчиларга табиий газ етказиб беришда 2021 йил 26 июн куни соат 08:00 дан 16:00 га қадар вақтинчалик узилиш бўлади.

Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинг.

"Худудгаз Фарғона" ГТФ "Ўзбекистонтумангаз" бўлими маъмурияти истеъмолчилардан вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўрайди.

2021-06-25 23:55:30